Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 18 декабрь, № 261 (7491) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЯПОНИЯГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 декабрь куни Японияга расмий ташриф дастуридаги биринчи манзил — Нагоя шаҳрига келди.

НАГОЯ, 17 декабрь.
ЎзА махсус мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.

Тюбу халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Япония расмий доиралари вакиллари кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг Ўзбекистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Таъкидлаш жоиз, бу Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида Японияга илк ташрифидир. Шу боис мазкур ташрифга ҳар икки мамлакатда ўзаро ҳамкорликда янги саҳифа очадиган тарихий воқеа сифатида катта аҳамият қаратилмоқда.

Япония Ўзбекистоннинг стратегик шериги. Бундан 28 йил муқаддам — 1991 йил декабрь ойида ушбу мамлакат Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган эди. 1992 йил январь ойида мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Аслида мамлакатларимиз ўртасидаги тарихий алоқалар Буюк Ипак йўли даврларига бориб тақалади. Тахминларга кўра, Япониянинг биринчи пойтахти Нара шаҳри Буюк Ипак йўлининг шарқий нуқтаси бўлган. Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари ушбу йўл орқали савдо-сотиқ ва маданий алоқалар ривожланишида муҳим ўрин тутган.

Мисол учун, Нара шаҳридаги Тодай-жи ибодатхонасида Японияга Буюк Ипак йўли орқали келтирилган, VIII асрда юртимизда ясалган уд чолғу асбоби сақланади. Ўз навбатида, ҳозирги Ўзбекистон худудида бўлган Кушонлар давлатида буддавийлик маданияти ривожланган. Шунга кўра, айтиш мумкинки, халқларимиз ўртасида жуда қадимдан маданий алоқалар ўрнатилган.

Мустақиллик йилларида ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар ҳар томонлама мустаҳкамланди. Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий, технологик, илмий ва маданий-гуманитар соҳаларни қамраб олган бўлиб, бугунги кунда янги йўналишлар ҳисобига кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон раҳбарининг Японияга мазкур ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини сифат жиҳатидан мустаҳкамлаш ва янги амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилади.

Ташриф доирасида Президент Шавкат Мирзиёев Нагоя ва Токио шаҳарларида бир қатор учрашувлар ўтказади. Ушбу мулоқотларда мамлакатларимизнинг узоқ муддатли манфаатлари асосида Ўзбекистон — Япония анъанавий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, ҳудудлар ва икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш режалаштирилган.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШДАН МАНФААТДОРМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи Нагоя шаҳридан бошланди. Давлатимиз раҳбари бу ерда мамлакатларимиз шаҳарлари ва таълим муассасалари ўртасида шериклик алоқалари ўрнатиш истиқболларини муҳокама қилади. Шунингдек, Нагоя университетида учрашув бўлиб ўтади.

ЎзА мухбири ташриф муносабати билан Нагоя университети олимлари, талабалари, Ўзбекистон илм-фан намояндаларидан интервью олди.

Исода ФУМИО,
Нагоя университети вице-президенти, университетнинг Тошкентдаги Осиё сателлит кампуси директори:

— Аввал Ўзбекистон ва Япония олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик, асосан, сиёсат ва ҳуқуқ соҳаларидан иборат эди. Ҳозирги кунда қатор тадқиқотчилар турли фан йўналишлари бўйича биргаликда ишлаяпти. Сўнгги йилларда Президентингиз ташаббуси билан фан ва технологиялар соҳасида тадқиқотлар олиб бориш анча фаоллашди. Бизнинг бу борадаги алмашинувларимиз давом этади, қўшма дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Мен ишонаманки, давлатингиз раҳбарининг илм-фанга қаратаётган эътибори муносабатларимизни кенгайтириб, янги чўққилар сари интилишимизга рағбат бағишлайди.

Сузуки МАСАБУМИ,
Нагоя университети юридик факультети декани:

— Ўзбекистон олий таълим муассасалари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатганмиз. Айни пайтда факультетимизда таҳсил олаётган 130 нафардан ортиқ хорижий талабаларнинг 20 га яқини ўзбекистонликлардир. Улар қобилияти, билимга чанқоқлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Университетимиз президенти Сейичи Мацуога Тошкент давлат техника университети фахрий ректори, университетимиз профессори, Нобель мукофоти лауреати Рёдзи Ноёрига Ўзбекистон Фанлар академияси фахрий академиги унвони берилгани таълим соҳасидаги мустаҳкам ҳамкорлигимиздан далолатдир. Биз юртингиз билан алоқаларни, талабалар алмашувларини кенгайтиришдан манфаатдормиз. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Нагоя университетига ташрифи маданий-гуманитар ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонамиз.

Ичихаши КАЦУЯ,
Нагоя университети профессори:

— Ҳамкорлигимиз йилдан-йилга кенгаймоқда. Шу пайтгача 400 дан ортиқ ўзбекистонлик талаба ва тадқиқотчилар Нагоя университетида таҳсил олди. Шунингдек, 100 дан ортиқ япон ёшлари талабалар алмашуви дастури асосида Ўзбекистонда ўқиб қайтди. Тошкентда 2009 йили университетимиз ваколатхонасининг очилиши муносабатларни фаоллаштириш борасида муҳим қадам бўлган эди. Марказий Осиёда ягона ушбу ваколатхона олий таълим муассасалари ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини ўтамоқда.

Тез орада ҳамкорлигимизда янги саҳифа очилади. Ўзбекистон Президентининг мамлакатимизга ташрифи тараққиёт учун муҳим асос бўлган фан, таълим соҳасидаги муносабатларнинг янги қирраларини кашф этишга имконият яратади. Биз тиббиёт, ахборот технологиялари, робототехника соҳасида илмий алоқаларни ривожлантириш ниятидамиз. Бунинг учун барча асослар мавжуд, энг муҳими, илмга чанқоқ ёшлар, катта тажрибага эга олимлар бор.

Беҳзод ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти:

— Нагоя университетидан олти нафар Нобель мукофоти лауреати етишиб чиққан. Уларнинг тўрт нафари физика, икки нафари кимё фани бўйича совриндор бўлган. Жумладан, Рёдзи Ноёри нафақат кимё соҳасида муҳим кашфиётлар қилган, балки уларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатган. Унинг 500 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган, кашфиётларига қарийб 200 та патент олинган, шу орқали янги технологиялар яратилган. Олим талабаларни тайёрлаш, уларни тадқиқотга жалб этиш, Ўзбекистон билан илмий-техник алоқаларни ривожлантиришга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Унинг бу борадаги хизматлари эътиборга олиниб, олимга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фахрий академиги унвони берилди.

Ўзбекистон учун Нагоя университети салоҳиятидан фойдаланиш муҳим. Университет илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик фаннинг қатор йўналишлари бўйича истиқболли дастурларни амалга ошириш имконини беради. Биз физика, кимё, ахборот технологиялари бўйича алоқаларни ривожлантиришни режалаштирганмиз. Шунингдек, ижтимоий фанлар бўйича ҳам олдимизда катта мақсадлар турибди. Уларнинг ижроси мамлакатларимиз илмий-техникавий ҳамкорлигини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

3

САЙЛОВ — 2019

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари борамиз, қўлни қўлга берамиз" ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг "Аҳолини қийнаётган маъмурий тўсиқлар бирма-бир олиб ташланмоқда, аммо..." сарлавҳали материаллари эълон қилинмоқда.

2-саҳифага қаранг.

«ҲАР БИР САЙЛОВЧИ ТАКЛИФНОМА БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ КЕРАК»

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида шу йил 22 декабрда бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий жараёнларга тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан бирга, йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳақида ҳам сўз борди.

МСК Раиси М. Абдусаломовнинг айтишича, сайловда иштирок этишга оид таклифномалар фуқароларга тўлиқ етиб бормаяпти. Аслида таклифнома бир оилага битта эмас, балки ўша оилада нечта сайловчи бўлса, ҳар бирига берилиши керак. Яъни ҳар бир сайловчи таклифнома билан таъминланиши зарур. Шу мақсадда қўшимча таклифномалар тайёрланган.

Бундан ташқари, номзодларнинг тарғибот материалларида айрим хатоликлар мавжудлиги ва бу ижтимоий тармоқларда, оммавий ахборот воситаларида қизғин муҳокамалар қилинаётгани ҳамда уни тезда бартараф этиш лозимлиги таъкидланди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган мажлис кун тартибидан сайловларга кўрилаётган тайёргарликни кузатиш жараёнлари бўйича МДҲ ҳамда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссияларининг оралиқ ҳисоботлари, сайлов участкаларида сайлов жараёнини видеотрансляция ҳамда биометрик идентификация қилиш қурилмаларини жорий этиш ва ўрнатиш каби масалалар ҳам ўрин олди.

ЕХҲТ ДИИҲБ ҳисоботида бўлажак сайловлар янгиланган ҳуқуқий тизим доирасида ўтказилаётгани алоҳида эътироф этилиб, МСК фаолиятига юқори баҳо берилган. Жумладан, комиссия аъзоларининг сони 16 нафардан 21 нафаргача, таркибидаги аёллар сони 3 нафардан 7 нафаргача кўпайди. МСК томонидан сайловларни ўтказиш тартиби ва муддатларига қатъий риоя қилинмоқда. Илк бор амалиётда "Saylov — 2019" мобиль иловаси ишга туширилиши эса сайловчиларни ушбу сиёсий жараёнлардан кенг хабардор қилишда қўл келяпти.

3

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МУҚАРРАР

Тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган ва жаҳонда том маънода янги қиёфада намоён бўлаётган Ўзбекистон муҳим сиёсий воқелик — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлар арафасида турибди.

Нуқтаи назар

Ҳам миллий, ҳам халқаро экспертлар томонидан янги Ўзбекистондаги янги сайлов сифатида талқин этилаётган мазкур жараён мамлакатни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг устувор йўналишлардан бири бўлган инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг бенуқсон ва самарали ишлашини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, ушбу сайловлар орқали халқимиз бугунги ислоҳотларимизга баҳо берса, жаҳон ҳамжамияти янгиланаётган Ўзбекистонга баҳо беради.

Ҳақиқатан ҳам, замонавий демократик ҳуқуқий давлатнинг сиёсий ҳаётида сайловнинг аҳамияти беқиёс. Сайлов ҳуқуқи ҳар бир фуқаронинг мамлакат ҳаётида, унинг бошқарувида фаол иштирок этишига қаратилган бўлиб, инсон, жамият ва давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун шароит яратади.

Сайловга доир миллий қонунчилигимиз негизи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Янги қабул қилинган Сайлов кодексининг ҳаётга татбиқ этилиши юртимизда сайлов жараёнларининг янада демократик тарзда ва ошкоралик руҳида ўтишини таъминлайдиган замонавий, илғор амалиётни жорий қилишни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлади.

Хусусан, авваллари озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда қатнашмаган бўлса, янги Кодексга асосан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этгани учун озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахслар ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлди.

Шу билан бирга, қонунчилигимизга асосан, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш вазифаси давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари зиммасига юклатилган. Ўз навбатида, сайлов ҳуқуқини суд орқали ҳимоя қилиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмининг таркибий ва ҳал қилувчи қисмларидан биридир.

3

Эътироф

ЕХҲТ ПАРЛАМЕНТ АССАМБЛЕЯСИ ЎЗБЕКИСТОНГА ИЛК БОР ЎЗ КУЗАТУВЧИЛАРИНИ ЮБОРАДИ

ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси мамлакатимизда шу йил 22 декабрь куни Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларни кузатиш учун илк бор кузатувчиларини юборишга қарор қилди. Бу ҳақда унинг сайтида расмий хабар берилди. Меҳмонлар ушбу ташкилотга аъзо-давлатлар парламентлари вакилларидан ташкил топган.

OSCE PA
Organization for Security and Co-operation in Europe
PARLIAMENTARY ASSEMBLY

Хусусан, ЕХҲТ ПА делегацияси таркибида Дания, Швеция, Германия, Буюк Британия, Италия, Франция, Нидерландия, Эстония, Латвия каби 25 та аъзо мамлакатдан 50 дан зиёд кузатувчилар ташриф буюради. Уларга ЕХҲТ ПА вице-президенти бўлган норвегиялик Кари Хенриксен бошчилик қилади.

Расмий баёнотда вакиллик делегациясини юбориш тўғрисидаги қарор Ўзбекистонда кенг миқёсли ислоҳотлар бошлангани, жумладан, сайлов қонунчилиги сезиларли даражада янгиланганги муносабати билан қабул қилингани айтилган.

Қайд этиш жоиз, ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси 1993 йилдан буён турли мамлакатларда кузатувларни амалга ошириб келяпти. Шу пайтгача Буюк Британия, АҚШ, Германия, Франция каби 30 дан зиёд аъзо-давлатларда ана шундай миссиялар бажарилгани бунинг тасдиғидир. Унинг хулосалари Ўзбекистон учун танланган қонунчилик ва сайлов амалиётини янада такомиллаштириш имконини беради.

Бинобарин, сўнгги уч йилда республикамиз билан ЕХҲТ ПА ўртасидаги ҳамкорлик сезиларли равишда фаоллашди. 2017 йилдан буён Ўзбекистон делегацияси Ассамблея сессияларида мунтазам қатнашиб келмоқда. Бундан икки йил илгари ЕХҲТ ПА раиси Кристин Муттонен, 2018 йилда янги раис Георгий Церетели ва бош котиб Роберто Монтелла расмий ташриф билан юртимизга келган эди.

2018 йил Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осиё форумида қатнашган Георгий Церетели Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги, суд тизими мустақиллигини таъминлаш соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларга юксак баҳо берганди.

3

ДАРДДАН УСТУН КЕЛГАН «МЕҲРИБОН ЮРАК»

НАВОИЙДА ТУҒМА ЮРАК НУҚСОНИ БОР 14 НАФАР БОЛА БЕПУЛ ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИНДИ.

Давлатимиз раҳбари ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ соғлиқни сақлаш тизимидаги аҳвол, ривожланиш истиқболларига алоҳида эътибор қаратиб, соҳа фаолиятига оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммолар ечимига эришиш учун кенг кўламли чора-тадбирлар қўллаш, тиббий хизмат самарадорлигини ошириш вазифаларини устувор этиб белгилади.

Эзгулик

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга ташрифлари чоғида шифохоналар, поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларидаги шароитлар билан бевосита танишди, замонавий клиникалар қуриш бўйича топшириқлар берди. Зеро, тиббиёт инсон учун энг олий неъмат — унинг ҳаётига дахлдор соҳа бўлиб, фуқаронинг эртанги кунга ишончини белгилайди.

4-саҳифага қаранг.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2019 йил 18 декабрь

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ БОРАМИЗ, ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ

Бугун юртимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар туфайли сиёсий ҳаётимизда ҳам муҳим ўзгаришлар юз беряпти. Юртдошларимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб, қонун, қарор ва давлат дастурларига таклифлар билдира бошлашди, улар юзасидан ўз фикрларини бемалол айтишмоқда. Парламент, ҳукумат ва депутатлар олдига долзарб муаммоларни очиқ-ошкора қўйиб, ечимини талаб қилишяпти. Умуман олганда, ***“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”*** *деган ғоя бу борада фаолиятимиз мезонига айланмоқда.*

Натижада ислоҳотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришлар, энг аввало, одамлар ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи тобора ортиб боряпти.

Пировардида биз юртимиз ҳаётига оид ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. “Миллий тикланиш” демократик партияси бу жараёнда “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғоясини ўзи учун дастуриламалга айлантирди.

Партия сайловлар арафасида ўз электорати ва хайрихоҳлари талабидан келиб чиққан ҳолда, янги Ўзбекистонда янги сайловларни ташкил этишга қаратилган сайлов тактикасини, муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун “Йўл харитаси”, шунингдек, тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Сайловларда партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 1 710 нафар, маҳаллий Кенгашларга эса 23 минг 220 нафар номзодлар захираси шакллантирилди. Уларнинг 40 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиб, ушбу кўрсаткич 2014 йилдагига нисбатан 6,7 фоиз кўпдир.

Албатта, сиёсий майдонда одамлар ишончини қозониш учун давлат ва жамият фаровонлигига бирдек хизмат қилувчи платформа зарур эди. Шундан кейин аҳоли талабидан келиб чиққан ҳолда, “Инсонни ўзгартириш орқали, жамиятни ўзгартирамиз” ғояси остида партия дастури ва 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган сайловолди дастури ишлаб чиқилди.

Партия, шунингдек, жамиятимиз учун оғриқли масала — тарбия масаласини ўзи учун энг долзарб вазифа сифатида танлаб олди. Зеро, инсон ахлоқи, таълим-тарбиясига, аввало, оила, ота-она масъул. Аммо ЎзМТДП бу жараёнда қулай шароит яратишга ўзини ҳам жавобгар, деб ҳисоблайди.

Шу ўринда партия тарихида илк маротаба сайловолди платформаси лойиҳасини муҳокама қилишда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланганини қайд этиш лозим.

Партия сайловолди платформаси барча туман ва шаҳарларда

4 минг 448 та *туркум учрашув, давра суҳбатлари, очиқ мулоқот ва видеоконференциялар шаклида тўрт босқичда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.*

Ушбу тадбирлар доирасида

50 га яқин *роликлар, фильмлар ва лавҳалар тайёрланиб, ижтимоий тармоқларга жойлаштирилди.*

Сайловолди платформаси юзасидан

14 мингга яқин *таклифлар келиб тушди.*

Муҳокамаларда жами

500 минг *нафарга яқин фуқаролар бевосита иштирок этди.*

Партиянинг сайловолди платформаси лойиҳасини тайёрлашга давлат ва жамоат арбоблари, хусусан, маънавий-маърифий соҳада Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Иброҳим Ғофуров, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Шуҳрат Ризаев, иқтисодий соҳани такомиллаштириш бўйича “Korzinka.uz” супермаркетлар тармоғи асосчиси Зафар Ҳошимов, ахборот соҳасида таниқли журналист, ёзувчи, филология фанлари доктори Хуршид Дўстмуҳаммад маслаҳатчи сифатида жалб этилди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан вилоят ва туманлар марказларида партиянинг янги сайловолди платформасига бағишланган митинглар ўтказилди.

“БИРМИЗ! ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!” шиори остида ташкил этилган тарғибот тадбирларида Марказий Кенгаш аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, бошланғич партия ташкилотлари вакиллари ва партияга хайрихоҳ бўлган ёшлар қатнашди.

Партия сайловолди дастурида “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари!” ғояси бош сиёсий шиор сифатида белгилаб олинди. “Инсонни ўзгартириш орқали жамиятни ўзгартирамиз!” ғояси илгари сурилди.

Ана шу ғояни амалиётга жорий этиш мақсадида қуйидагилар сайловолди дастурига киритилди:

- узлуксиз тарбия тизимини яратиш;
- оилани мустаҳкамлаш мақсадида аёлларга қулай турмуш ва меҳнат шароити яратиш ҳамда уларнинг иш соатларини қисқартириш;
- ўқитувчиларга қулай меҳнат шароитини яратиш;
- парламентни “Халқ уйи”га айлантириш;
- давлат тили мақомини ошириш;
- муқобил кредитлаш тизимини амалиётга татбиқ этиш;
- туризмни ривожлантириш йўлидаги муаммоларни бартараф этиш;
- халқ табобатини ривожлантириш;
- хориждаги ватандошларимиз манфаатларини изчил ҳимоя қилиш;
- табақалаштирилган коммунал тўлов тизимини жорий этиш.

Албатта, ушбу вазифалар ижроси халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш ҳамда уларнинг ҳаётдан мамнун ҳолда умр кечиришлари учун мустаҳкам замин яратади.

Азиз юртдошлар!

Ким бўлишимиз ва қандай соҳада фаолият кўрсатишимиздан қатъи назар, бугун барчамизни ягона мақсад бирлаштириб туради. Бу халқимиз фаровонлиги учун сидқидилдан хизмат қилиш, ёшларимизни она Ватан қадрига етадиган комил инсонлар этиб камол топтириш, маънавий ва миллий қадрият, урф-одатларимиз руҳида тарбиялашдир. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, бундан буён халқ ишончини қозониш учун партиянинг юқори органидан тортиб, энг қуйи бўғинларигача бир ғоя остида ҳаракат қилишини, юртдошларимиз манфаати учун тинимсиз изланишини маълум қилади. Бахт бирлаша олишдадир. Сайлов эса ҳақиқий маънода халқ танлови бўлиши лозим.

Қадрли ватандошлар!

Юрт тинчлигига ҳисса қўшиш, фаровонликни таъминлашда жон фидо қилиш, Ватанимиз тараққиётини барқарорлаштириш жараёнида фаол иштирок этиш “Миллий тикланиш” демократик партиясининг энг асосий вазифасидир.

Ҳурматли сайловчилар!

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси учун сайловда иштирок этиш — бу, энг аввало, сиз ишонч билдирган вакиллар орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол қатнашишдан иборатдир.

Партиямиздан кўрсатилган номзодлар ҳокимият вакиллик органларига сайланиши — бу, нафақат сайловчилар юксак ишончи, балки юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида фаол ҳамда фидокорона меҳнат қилишга шайланган бўлажак депутатларга берилган имконият ҳамдир.

Депутатликка кўрсатилган номзодларнинг 2020 — 2024 йилларга мўлжалланган сайловолди дастури ва ундаги ташаббуслар жонажон Ватанимизни биргаликда тараққий эттиришга оид эзгу таклифлар мажмуаси бўлиб, уларнинг муваффақиятли ижроси, шубҳасиз, сиз, сайловчиларнинг танловингиз билан боғлиқ.

Партиямизнинг сайловолди дастурида белгиланган йўналишлар бўйича ташаббуслар — бу, ислоҳотларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг дебочаси эканини ҳам алоҳида таъкидлаймиз.

Партиямиз аниқ ва самарали натижаларга эришиш учун барчангизни Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишга ҳамда ташаббускор бўлишга чақиради.

Ишонинг, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси номзодларига берган овозингиз — бу, сизу бизнинг кейинги беш йилликдаги ҳаётимиз борасидаги энг тўғри танловингиздир!

ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАЙЛИК, АЗИЗЛАР!

22 ДЕКАБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши ахборот хизмати.

АҲОЛИНИ ҚИЙНАЁТГАН МАЪМУРИЙ ТЎСИҚЛАР БИРМА-БИР ОЛИБ ТАШЛАНМОҚДА, АММО...

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар боис охирги уч йилда инсон қадр-қиммати олий даражага кўтарилди ва одамларни қийнаётган маъмурий тўсиқлар бирма-бир олиб ташланмоқда. Шунга қарамай, ҳали олдимизда қилиниши зарур бўлган вазифалар кўп. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловолди дастуридан кўплаб долзарб масалалар қаторида, ижтимоий тенгликни таъминлаш ҳамда мамлакат ташқи савдосида экспорт ва импорт мувозанатини сақлаш, натижада халқимиз фаровонлигини оширишга кенг ўрин ажратган.

ҲУҚУҚ — ТЕНГ, ИМКОНИЯТ ҲАМ ТЕНГ БЎЛИШИ ЗАРУР

Боймурод ЮСУПОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири:

— Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида ҳам ижтимоий тенглик, халқпарварлик тамойиллари устуворлик қилган. Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг адолат ва тенгликка асосланган давлат бошқаруви ҳам буни тасдиқлайди. Ҳатто миллий қадриятларимизда кекса, касал, етим-есир, ёрдамга муҳтожларга кўмак бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилган, кишиларни табақаларга ажратиб муомала қилиш қораланган.

Мамлакатимизда сўнгги уч йилда халқчиллик, инсонпарварлик, эркинлик сиёсати юқори босқичга чиқди, инсон қадр-қиммати олий даражага кўтарилди, халқни қийнаётган сохта маъмурий тўсиқлар олиб ташланди. Жумладан, аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилди. Ижтимоий ҳимоя кучайтирилди. Суд тизими ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш орқали инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашнинг янгича механизми жорий этилди. Мансабдорлар халқ дардини тинглашни ўрганди. Одамлар адолат тантанаси, қонуний ҳақ-ҳуқуқлари тикланганини кўргач, давлат ташкилотларига ишончи орта бошлади. Либераллашув ва демократлашув жараёнлари халқаро ташкилот ва экспертлар томонидан ҳам эътироф этила бошланди.

Бирок, афсуски, ижтимоий тенгликни таъминлаш борасида ҳали қатор муаммолар бор. Масалан, одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган Тошкент шаҳри ва вилоятига пропискага қўйиш тартиби билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрларни такомиллаштиришга эҳтиёж жуда юқори. Конституция юртимиз фуқароларининг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қонун олдида тенглигини кафолатласа-да, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий пропискага қўйиш бўйича чекловлар сақланиб турибди. Бирламчи бозордан янги қурилаётган уйлардан хонадон сотиб олиш орқали доимий пропискага ўтишга рухсат берилгани билан бундай тураржойлар ниҳоятда қимматлиги сабабли кўпчиликнинг уни харид қилишга қурби етмаяпти. Боз устига, катта миқдорда давлат божи белгиланган. Шунинг ўзиёқ ҳуқуқ ва имкониятлар тенглиги тамойилининг бузилиши ҳисобланади.

Парламент ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси этиб белгиланганига қарамай, янги қабул қилинаётган кўплаб меъёрий ҳужжатларда ижтимоий тенглик тамойили тўлақонли ўз ифодасини топмаётганига асослар мавжуд. Масалан, автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) билан боғлиқ қонунчиликка киритилган ўзгартишлар ўзини оқламаганини даврнинг ўзи кўрсатмоқда. Ҳаётий зарур сарф-харажатларни қоплашга ҳам етмайдиган ойлик маошга кун кечирадиган оддий аҳоли бу қулайликдан фойдалана олмаяпти. Бу халқ орасида барча қулайлик ва имтиёзлар фақат аҳолининг давлатманд қатлами учунми, деган ҳақли эътироз пайдо бўлишига сабаб бўлаётир. Қолаверса, олий таълим муассасаларига кириш тест синовларида энг кам балл тўплаган бўлса ҳам, тўлов-шартнома суммасининг белгиланган юқори миқдорини тўлаб ўқиши мумкинлиги, пойтахтдаги айрим нуфузли умумтаълим муассасаларига қабул қилишда пуллик хизмат жорий этилиши билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар янги имкониятлардан фақат аҳолининг муайян қисми фойдаланиши учун шароит яратмоқда.

Партиямиз қонун ҳужжатларини қабул қилишда аҳолининг барча қатлами учун тенг имконият яратадиган, ижтимоий тенглик ва адолат тамойилларига таяниб, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам учун давлат, жамият ва суд-ҳуқуқ соҳаларида тенгликни таъминлаш зарур, деган ташаббусни илгари суряпти.

Бу йўналишда қуйидаги чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш лозим:

Биринчидан, *мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим жабҳалари, аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларига дахлдор бўлган ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган масалалар бўйича ижро ҳокимияти томонидан қарор қабул қилишда парламентдаги сиёсий партиялар фракциялари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан мажбурий жамоатчилик маслаҳатларини ўтказиш механизмини жорий этиш зарур. Қолаверса, ҳозирги кунда қарор лойиҳалари онлайн муҳокамага қўйилиши амалда ўзини оқламаяпти, жамоатчилик ижтимоий фикрини тўлақонли кўрсатиб бера олмаяпти. Муҳокамаларда билдирилган ўринли фикрлар инобатга олинмаётир. Айрим қарорларнинг қабул қилинишида халқ давлат ҳокимиятининг асосий манбаи эканлиги, унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб бериши эсдан чиқиб қолмоқда. Оқибатда ижтимоий тенгсизликка йўл очиб берадиган қарорлар муҳокамага қўйилмоқда. Партия таклиф этаётган тизим бундай ҳолатларни бартараф этишга қаратилган.*

Иккинчидан, *аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамаси ва экспертизасидан ўтказиш мажбурийлигини қонунчиликда мустаҳкамлаш керак. “Қонун ҳужжатларининг таъсирини баҳолаш тўғрисида”ги ҳамда “Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси ва жамоатчилик экспертизаси тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш ҳамда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, шунингдек, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунларга ўзгартишлар киритишга зарурат сезилмоқда.*

Биз ижтимоий демократия — ҳуқуқлар тенглиги ва уларни амалга оширишда имкониятлар тенглиги тарафдоримиз!

ОДАМЛАР МАҲСУЛОТЛАР ҚИММАТЛАШАВЕРГАНИДАН ЧАРЧАДИ

Равшан ХОМИТОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сектор мудири:

— Ташқи савдо, экспорт-импорт операциялари иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Дунёда ички ишлаб чиқариш орқали аҳолисини барча турдаги маҳсулотлар билан тўла таъминлайдиган бирор мамлакат йўқ. Иқлим, географик жойлашув, табиий ресурслар, илмий-техник имконият, инфратузилманинг турличалиги ишлаб чиқариш саноатида ҳам сезиларли тафовутни юзага келтиради. Натижада халқаро товар алмашиш фаоллашади — маҳсулот ва хизматлар мамлакат ташқарисига экспорт қилинади ва чет эл товарлари, технологиялар ички бозорга импорт қилинади. Бу нормал ҳолат.

Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, мамлакат ташқи савдосида экспорт ва импорт мувозанатини сақлаш, пировардида халқимиз фаровонлигини ошириш бизнинг асосий мақсадимиз бўлиши лозим.

Айни кунда иқтисодий барқарорликни таъминловчи омил сифатида экспортга етарлича имтиёз ва преференциялар берилаётган бўлса-да, импорт сиёсатида бўшлиқлар мавжуд. Бу жараён божхона божлари, миқдорий чеклашлар, лицензиялаш тизими ва бошқа маъмурий тўсиқлар билан чегараланган. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг “ибтидоий усул”да (протекционистик) ҳимоя қилиниши импорт божи ставкалари юқорилигини келтириб чиқарган. Тўғри, мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган махсус техника, ускуна, бутловчи қисмлар, дори воситалари, тиббий техника ва ҳоказолар бож тўловларидан озод қилинган. Аммо аҳолининг кундалик истеъмолида бирламчи ўрин тутувчи муҳим ижтимоий аҳамиятга молик бўлган товарлар учун алоҳида божхона божи ва тўловлари имтиёзли ставкалар ўрнатилмаган. Зотан, ички бозорда қайсидир товарнинг муқобили йўқлиги ёки камлиги, уни четдан олиб келишда юқори бож тўловлари белгиланган одамларни юқори нархдаги ва сифатсиз маҳсулотларни харид қилишга мажбур этиши, шубҳасиз.

Шу боис биз халқаро савдо-иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш, мамлакатимизда етарли миқдорда ишлаб чиқарилмаётган муҳим ижтимоий аҳамиятга эга товарлар учун божхона божи ва тўловлари бўйича имтиёзли ставкаларни ўрнатиш зарур, деган ташаббусни илгари суряпмиз.

Жойларда тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқарувчилар ва бизнес вакиллари билан ўтказилган мулоқотлар чоғида ҳам аҳолининг бирламчи зарур товарлар (масалан, дон, ун, гўшт ва бошқалар)нинг нархлари ошаётганидан норозилиги, чет элдан товарларни олиб кириш қимматга тушаётгани, ҳалигача импорт товарларига нотўғри муносабатда бўлинаётгани аён бўлди. Ваҳолонки, халқаро амалиёт ички бозорни турли иқтисодий чекловлар ёрдамида ташқи бозордан ҳимоялашга қаратилган протекционизм сиёсати бугун эскиргани, иқтисодий тараққиёт йўлида тўсиқлар келтириб чиқариши, савдо эркинлиги, истеъмолчи ҳуқуқларига путур етказишини кўрсатмоқда.

Шуни инобатга олган ҳолда, **мамлакатимизда етарли миқдорда ишлаб чиқарилмаётган муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар учун божхона божи ва тўловлари бўйича имтиёзли ставкаларни ўрнатиш** ниҳоятда долзарб вазифадир.

Бозорларда тўкинлик ва арзончилик бўлиши, кундалик зарур товар ва хизматлар нархлари ҳамда тарифлари белгиланган меъёрлардан ошиб кетмаслиги ички ва ташқи савдодаги эркинлик, қулай шарт-шароит орқали амалга ошади. Бунинг учун, аввало, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматлар нархлари ҳамда рўйхатини белгилаш давлат томонидан тартибга солинишини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш керак.

Шунингдек, табиий хом ашё, дейлик, руда ва муҳим ижтимоий аҳамиятга молик бўлган ун-дон каби маҳсулотларга имтиёзли (0 фоизли), бирламчи бўлмаган, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган товарларга юқори фоизли бож ставкалари ўрнатилиши мақбул. Шу орқали зарур маҳсулотларга кенг йўл очилади, экология, инсон саломатлигига путур етказувчи товарларнинг йўли тўсилади. Қолаверса, импорт ўрнини босувчи ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга импорт товарларидан олинадиган даромадларнинг бир қисмини имтиёзли кредит беришга йўналтириш тартибини жорий этиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Божхона ставкалари оптималлаштирилиши иқтисодиёт либераллашуви, эркин бозор механизмлари тўлақонли ишлашини кафолатлайди. Бу эса иқтисодий ривожланиш, аҳоли турмуш даражаси юксалишига хизмат қилади. Биз мустақил Ўзбекистоннинг халқаро бозорда ўз ўрнини янада мустаҳкамлашини истар эканмиз, аҳолига бирламчи эҳтиёжи учун зарур товар ва хизматларни арзон нархларда етказиб беришимиз, талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда бозорларда барқарорликни таъминлашимиз лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биз ҳар бир инсоннинг ҳаётий эҳтиёжлари кафолатли таъминланиши тарафдоримиз!

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШДАН МАНФААТДОРМИЗ

1

Акмал БУРХОНОВ,
“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати раиси:

— Ўзбекистонда барча соҳада шиддатли ислоҳотлар амалга оширилятпи. Бу жараёнга ёш, билимли кадрлар келиб қўшилаётгани қувонарли. Улар орасида хорижда ўқиб, ишлаб келган ватандошларимизнинг ўрни муҳим. Жумладан, Нагоя университетида ўқиган ёшлар бугунги кунда юртимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Президентимизнинг ташрифи Япония ҳамжамияти учун ҳам аҳамиятли. Биз ташриф олдидан Япония парламенти, Адлия вазирлиги, Фан ва технологиялар агентлигида учрашувлар ўтказдик. Музокараларда Япония томони Ўзбекистонда таълим ва фанга алоҳида эътибор берилаётганини эътироф этди. Хусусан, парламент вакиллари мамлакатимиз билан таълим соҳасида қўшма дастурлар амалга оширишга кўмак беришини, Япония Адлия вазирлиги вакиллари ҳуқуқий соҳада ҳамкорликни мустаҳкамлашга тайёр эканини билдирди. Бу борадаги лойиҳалар Ўзбекистон келажаги учун, ёшларимиз учун янги имкониятлар очади, ҳамкорлигимизни янги мазмун билан бойитади.

Саори ОКУДА,
Нагоя университети халқаро бўлими бошлиғи:

— Мамлакатингиз ёшлари 2000 йилдан буён университетимизда таҳсил олади. Юртингизда таълим соҳасидаги ислоҳотлар самаралари ёшларингиз ўз йўналишида катта ютуқларни қўлга киритаётганида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Нагоя университетида ўқиётган талабалар мисолида ҳам.

Ҳозирги кунда япониялик талабалар орасида Ўзбекистонга бориб ўқишни хоҳловчилар сони сезиларли кўпайди. Бу Ўзбекистонда таълим тизими яхши йўлга қўйилганини билдиради.

Харуку САКАКУРА,
Нагоя университети талабаси:

— Ўзбекистонга қизиқишим баланд. Айниқса, юртингизнинг тарихий-маданий бойликлари мени мафтун этган. Самарқанддаги Регистон ансамблини бориб кўриш орзуим эди. Бу орзуимга шу йил етдим. Талабалар алмашуви дастури бўйича августсентябрь ойларида Ўзбекистонда бўлиб, малака ошириб қайтдик. Самарқанддаги Регистон, Шоҳи Зинда ва бошқа тарихий ёдгорликларни томоша қилдик, ўзбекистонлик талабалар билан дўстлашдик. Бу мамлакатларимизнинг таълим соҳасидаги алоқалари янги босқичга кўтарилганини англатади.

Жинто ФУЖИ,
Нагоя университети талабаси:

— Нагоя университетида ташкил этилган клубда япониялик ёшлар ўзбек тилидан сабоқ олади. Мен ҳам ушбу клубда ўзбек тили ва маданиятини ўрганяпман. Айтишим керакки, ўзбек тили ва маданиятига қизиқишимга ўзбекистонлик талабалар сабаб бўлган. Машғулотлар давомида фикрлашамиз, улар юртингиз ҳақидаги билимларимизни оширишга кўмаклашади. Келгусида Ўзбекистонга бориб ишлаш истагидаман.

ЎзА махсус мухбири
Матназар ЭЛМУРОДОВ
ёзиб олди.

«ҲАР БИР САЙЛОВЧИ ТАКЛИФНОМА БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ КЕРАК»

1

Мажлисда, шунингдек, сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телеканалларида 2019 йил 20 декабрда соат 14.00 дан 16.00 гача тўғридан-тўғри трансляция қилиш орқали партиялар ўртасида якуний очиқ мунозараларни (дебатларни) ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунга қадар МСК томонидан 186 нафар халқаро кузатувчи, 283 нафар маҳаллий ва 99 нафар хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказилди.

Шу билан бирга, йиғилишда халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси ва Қашқадарё вилояти ҳудудида жойлашган Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 126-Бешкент округ сайлов комиссиясининг сайлов жараёнига тайёргарлиги ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МУҚАРРАР

1

Сайлов кодексига мувофиқ, сайлов комиссияларининг қарорлари устидан юқори турувчи сайлов комиссиясига ёки судга, Марказий сайлов комиссияси қарорлари устидан эса Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Прокуратура органлари эса қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни таъминлашга масъул тузилма сифатида сайловчи ҳамда сайланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига риоя этилиши устидан қатъий назорат олиб боради.

Бунда асосий эътибор фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига оғишмасдан амал қилинишига, уларнинг ўз танловини эркин амалга ошириши ҳамда яширин тарзда овоз бериши учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча имконият яратилишига, сайлов ҳуқуқини бузиш ҳолатлари рўй берган тақдирда қонунда белгиланган қатъий чоралар кўрилишини таъминлашга қаратилган.

Жумладан, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларнинг сайлов ҳуқуқини тўлақонли рўёбга чиқариш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ҳар қандай тарзда чекланишининг олдини олиш мақсадида тегишли муассасаларда сайлов участкалари ташкил этилиши, маҳкумлар ўзлари танлаган номзодларга эркин овоз бериши учун барча имкониятнинг яратилганлиги прокурорлар томонидан қатъий назоратга олинган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда сайловни ўтказиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни назарда тутувчи алоҳида боб ўрин олган.

Унга кўра, Марказий сайлов комиссияси, сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга, бу комиссиялар қарорларини ижро этмаслик, мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий равишда рад этиш ёки кўриб чиқиш муддатини узрли сабабларсиз бузиш эса энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатларига доир низолар, сайловни ўтказиш борасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири ҳисобланган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи жиноят қонунчилиги билан ҳам ҳимоя қилинади. Масалан, сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳамда сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш каби ҳаракатлар учун Жиноят кодексининг 146 ва 147-моддаларида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Сайлов жараёни иштирокчилари томонидан овоз бериш яширинлигини бузиш, сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириш, овоз бериш бюллетенларига ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш каби ҳаракатлар жиноий қилмиш сифатида баҳоланади.

Овоз бериш яширинлигини бузиш сайлов участкасида сайловчи кимга овоз берганини аниқ билиб олиш имконини берувчи шароитни яратиш, жумладан овоз бериш хоналарини белгиланган тартибда жиҳозламаслик, уларда бегона шахсларнинг иштирок этиши, тўлдирилган бюллетенларни қонуний асосларсиз кўриб чиқиш каби ҳаракатларда намоён бўлади.

Сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш асл ҳужжатларга ҳақиқий бўлмаган ёзувлар ёки ўзгартиришлар киритиш ёхуд сохта ҳужжат тайёрлаш каби ҳаракатларда акс этади.

Жиноят кодексининг 147-моддасида эса сайлаш, сайланиш ва сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқини рўёбга чиқаришга, ишончли вакилларнинг ўз ваколатларини эркин амалга оширишига зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш, оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик кўзда тутилган.

Шу каби ҳолатлар юзасидан тергов олиб бориш прокуратура органлари ваколатига киради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, сайловга оид қонунчилик талабларини бузганлик учун белгиланган жавобгарлик чоралари, аввало, ушбу муҳим сиёсий тадбирнинг қонунга қатъий амал қилган ҳолда ўтказилишини таъминлашга, бу жараёнда ҳар қандай қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилган.

Мамлакатимизда сайловларни ташкил этиш, фуқароларимизнинг сайлов ҳуқуқини тўлақонли рўёбга чиқариш бўйича яратилган мустаҳкам ҳуқуқий асос, шубҳасиз, ҳозирги сайловларнинг янги сиёсий шароитда, партиялараро кучли рақобат асосида, ғоялар курашига бой ўтишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, давлат ва жамият ҳаётида кечаётган ўзгариш ва демократик жараёнларнинг ўзига хос кўзгуси бўлган сайловларнинг нечоғли муваффақиятли ўтиши мазкур ҳуқуқий кафолатларнинг амалда таъминланиши ва сайлов ҳуқуқлари сўзсиз рўёбга чиқарилиши билан бевосита боғлиқдир.

Ниғматилла ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори.

ЕХҲТ ПАРЛАМЕНТ АССАМБЛЕЯСИ ЎЗБЕКИСТОНГА ИЛК БОР ЎЗ КУЗАТУВЧИЛАРИНИ ЮБОРАДИ

1

Айтиш жоизки, ЕХҲТ ДИИҲБ тўлақонли миссияси шу йил 26 ноябрдан бошлаб Ўзбекистондаги сайлов жараёнларини кузатиб боряпти.

Яқинда унинг 25 ноябрдан 10 декабргача бўлган даврни қамраб олган оралиқ ҳисоботи эълон қилинди. Унда сайлов қонунчилиги ва сайлов амалиётини такомиллаштириш борасида сезиларли ўсишга эришилгани эътироф этилиб, ҳукуматнинг жамоатчилик ва давлат бошқаруви тизимини модернизация қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Умуман олганда, ушбу муҳим сиёсий воқеага тайёргарлик кўриш ишларига ижобий баҳо берилди.

Бунинг мантиқий давоми сифатида ЕХҲТга аъзо 30 та давлатдан 224 қисқа муддатли кузатувчи келиши кутилмоқда. Улар Георгий Церетели координаторлиги ва раҳбарлиги остида бевосита ҳудудларда сайловларни кузатиб боришади.

Хорижлик экспертларнинг фикрича, ЕХҲТнинг иккита (ДИИҲБ ва ПА) миссия юбориш тўғрисидаги қарори Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар тан олинаётганини тасдиқлайди. Қолаверса, мамлакатдаги янгиланишларга парламент таъсирини кучайтиришда муҳим роль ўйнайдиган сайлов жараёнига нисбатан кўрсатилган юксак ишонч намунасидир.

Саиджон МАХСУМОВ
(«Халқ сўзи»).

Муносабат

Бугун маҳалла жамоатчилик назоратининг етакчи бўғини сифатида майдонга чиқмоқда. Тузилманинг айни жараёндаги иштироки одамларни қийнаётган муаммолар ҳал қилиниши, раҳбарларнинг қонунларга риоя этиши ҳамда вазифасига масъулият билан ёндашишини таъминлаётир.

Ҳар йили Конституциямиз қабул қилинган кунни юқори кайфият билан кутиб оламиз, ўзгача шукуҳда нишонлаймиз. Бу сана арафасида эришилаётган натижаларни сарҳисоб қилиб, олдимизда турган муҳим вазифаларни белгилаб оламиз. Якунланаётган йилда бажарилган ишлар кўз олдимиздан ўтади, ***нималарга эриша олдигу қайси вазифаларни уддалашда сусткашликка йўл қўйилди****, деган савол кўндаланг бўлади...*

Йигирма етти йил — тарих учун бир лаҳза, холос. Шу қисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз мустақил ва суверен давлат сифатида шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади, том маънода улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ана шу машаққатли ва шарафли йўлда эришган ҳамда эришаётган ютуқларимизни Конституциямиз билан боғлашимиз бежиз эмас. Зеро, халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Асосий Қонунимиз юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қиляпти.

«ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ ҚАНДАЙ КУЧ БИЗНИ ЎЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗДАН ҚАЙТАРА ОЛМАЙДИ»

Бош Қомусимиз негизида яратилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси жонажон Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда беқиёс ўрин эгалламоқда. Халқ билан доимий мулоқотда бўлиш, одамлар дарду ташвишларини ҳал этиш, уларни рози қилиш давлат ва барча бўғиндаги раҳбарлар фаолияти бош мезонига айланди. Мустақилликнинг илк даврида қабул қилинган Конституциямиз шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг кафолатларини аниқ-равшан белгилаб берди.

Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев айни шу фикрларни эътироф этди. Маърузада давлатимиз раҳбари томонидан сўнгги йилларда барча соҳа ва тармоқларда олиб борилаётган ислоҳотлар, уларнинг мазмун-моҳияти, самараси ҳақида аниқ фикрлар, мушоҳадалар билдирилдики, бу ўз Ватанини севадиган, унинг тараққиётига дахлдорлик ҳисси билан қарайдиган ҳар қандай одамни қувонтиради.

Бугун халқимиз том маънода уйғонди

“Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади”. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз олти аср муқаддам айтган бу ўгит бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Аксинча, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони бўлиб хизмат қилаётир.

Масаланинг яна бир жиҳати борки, халқимиз қонун бузилишига қарши қаттиқ турмас экан, давлат идоралари, мансабдор шахслар қанчалик уринмасин, қонун устуворлигини таъминлаш қийин бўлади. Конституция ва қонун устуворлигига эришишда эса жамоатчилик назоратидан ҳам кўра самарали восита йўқлигини айни пайтда ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Шу маънода, **бугун жамоатчилигимиз уйғонди, турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига одамларимиз бевосита баҳо бериб, ўз фикрини эркин ифода этаётганини кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз**.

Мисол учун, якунланаётган йилда Давлат бюджети илк бор кенг муҳокамага қўйилиб, очиқлик ва ошкоралик руҳида қабул қилинди. Унда турли вазирлик ва идоралар ҳар бир сўмни нимага ва қандай харажат қилиши аниқ кўрсатиб берилди. Билдирилган фикрлар асосида мактабларга парта, доска ва компьютерлар харид қилиш учун бюджет харажатларини қисқартириш ҳисобидан 50 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилди. Бу ҳам, ўз навбатида, одамларимизнинг ижтимоий жараёнларга нисбатан масъулият ва дахлдорлик ҳисси ошиб бораётганини кўрсатади. Бундай тажриба мамлакатимиз тарихида биринчи марта юз бераётгани эса янада аҳамиятлидир.

Яна бир жиҳат: **жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилидир.** Хўш, айни жараёнларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти қандай? Жамоатчилик назорати субъекти сифатида улар ўз вазифасини қай даражада бажармоқда? Умуман, бу жараёнда маҳаллаларнинг роли сезиляптими?

Маҳалла — жамоатчилик назоратида етакчи бўғин

Давлатимиз раҳбари Президентлик лавозимига киришган илк кунларданоқ миллат қаддини, қадрини тиклайдиган оламшумул ишларга қўл урди. Эътибор беринг: қабул қилинаётган ҳар бир Фармон ёки қарорда, ҳудудларга ташрифларда, маърузаларда фақат бир жиҳат бот-бот тилга олинади: “халқимиз ишончини қозонишимиз, уларни рози қилишимиз лозим”.

Бу бежиз таъкидланмаяпти. Зеро, Ўзбекистонда янги давр шундай бошланди. Бу жараёнда эса ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолмаяпти. Жумладан, маҳалла тизими, унинг одамларни ўйлантираётган масалаларни тезкор аниқлаш ва ҳал этишдаги иштироки, жамоатчилик назорати соҳасидаги фаолияти Юртбошимизнинг доимий эътиборида. Бу ҳақда сўз борганда, давлатимиз раҳбарининг: **“Маҳалла жамиятимиздаги адолат тамойилларининг кўзгусига айланиши керак. Бу ер одамлар келиб фикрини, таклифини, дардини айтадиган, муаммосига ечим топадиган жой бўлиши лозим. Маҳалла раиси ва профилактика инспектори ҳудуддаги ҳар бир оиланинг аҳволидан хабардор бўлиши, ким нима билан машғул — ҳаммасини билиши даркор. Ушбу тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад — маҳаллани кечаю кундуз одамларнинг аҳволидан хабардор бўладиган масканга айлантиришдир”** деган гапларини келтириш ўринлидир.

Айни фикрларнинг ўзиёқ маҳалланинг жамоатчилик назоратидаги ўрни нақадар беқиёс эканини кўрсатиб турибди. Соҳага қаратилаётган эътибор натижаси ўлароқ, **бугун мазкур институт жамоатчилик назоратининг асосий субъекти сифатида майдонга чиқмоқда**.

Биргина маҳалла тарихига назар солсак, бу борадаги энг таъсирчан маскан экани яққол кўзга ташланади. Жамоатчилик назорати азал-азалдан уруғ, қабила ва оқсоқоллар кенгаши кўринишларида амалда бўлиб келган. Жумладан, ҳар бир оилада ота-оналар томонидан фарзандлар тарбиясига бефарқ бўлмаслик каби фазилатлар сингдирилган, маҳаллада ҳудудга кириб-чиқувчиларга нисбатан огоҳ бўлиш, уларни назоратга олиш каби шаклларда жамоатчилик назоратининг маълум бир меъёрлари белгилаб берилган. Уларнинг барчасига оқсоқоллар кенгаши бош-қош бўлган.

“Маҳалла раиси келажакда ҳоким бўлиши мумкин, аммо ҳоким маҳалла раиси бўла олмайди”. Президентимизнинг ушбу таъкиди фаоллар зиммасидаги масъулият залвори нечоғли улкан эканини англатади. Чиндан ҳам, бугун маҳалла раисларига катта ишонч билдирилган. Уни оқлаш, ишончга муносиб бўлиш учун тинимсиз меҳнат, фаоллик ва фидойилик талаб этилади. Зеро, маҳалла аҳлини ҳеч ким йиғин раисичалик яхши билмайди.

Назорат бор жойда иш сифати, фаолият самарадорлиги очиқ ва шаффоф бўлади. Айни жиҳатдан жамоатчилик назоратининг мустаҳкам ўрнатилиши давлат учун ҳам, жамият учун ҳам бирдек фойдалидир. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: **фуқаролар йиғинлари томонидан давлат ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатилишининг муҳимлиги нимада?**

Аввалambор, жамоатчилик назорати фақатгина жамият учун эмас, балки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини самарали ташкил қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, жамоатчилик назорати қонунлар самарали ишлашини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш билан бирга, уни ҳимоя қилишга даъват этади, давлат тузилмалари такомиллашувини таъминлайди. Бу эса, пировардида жамоатчилик назорати орқали бугун ўта долзарб ҳисобланиб келинаётган **давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги ҳамда масъулиятини ошириш**га замин яратади.

Айни пайтда жамоатчилик назорати орқали **фуқаролар фикр-мулоҳазаларининг ижтимоий ҳаётдаги таъсирчанлиги ортади**, давлат келажагига бефарқ бўлмаган ва ижтимоий фаол аҳоли қатлами шаклланиб боради. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда ислоҳотларнинг янада самарали олиб борилишини таъминлайди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари **жамоатчиликнинг ишончи ва кўмагида ўз фаолиятини янада самарали ташкил этиш имконига ҳам эга бўлади**.

Назорат қандай шаклда олиб борилмоқда?

Амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ, маҳаллалар томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асосий тамойил ва шакллари аниқ белгилаб берилган. Жумладан, бугун фуқаролар йиғинлари қонун ҳужжатлари, шунингдек, ўз қарорлари ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширмоқда.

Даставвал маҳаллалар, айниқса, одамларнинг мурожаатлари асосида иш кўриб келган бўлса, эндиликда улар йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқига эгадир. Бундай тадбирлар натижасида аҳоли томонидан билдирилган муаммолар ва камчиликлар ўз ечимини топмоқда. Шу билан бирга, маҳаллалар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаб бораётир. Уларда маҳаллалар ҳаётига дахлдор, аҳолини ўйлантириб келаётган муаммолар муҳокама қилиняпти, ечимлари изланяпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 2 апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан аҳоли мурожаатлари ва муаммоларини аниқлаш ҳамда ҳал этишда “маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла” принципи асосидаги ҳамкорлик тизими жорий этилди. Эндиликда аҳолини қийнаётган муаммо ва масалаларни ҳал этиш “қулоққа чалинган” гаплар асосида эмас, балки бевосита **уйма-ўй юриб, кенг жамоатчилик иштирокида** кўриб чиқилаётгани масъуллар зиммасидаги масъулиятни янада оширмоқда.

Ҳар қандай муаммо лоқайдлик ёки эътиборсизлик туфайли юзага келишини инобатга олсак, Юртбошимизнинг ушбу Фармони ижро этувчи органларни аҳоли билан яқин ва ҳамжиҳатликда ишлашга, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, қўлга киритилаётган натижалардан кўринган хулоса шуки, **маҳалла бугун том маънода жамоатчилик назорати ваколатини қўлга олди**.

Ҳар қандай иш унинг натижаси билан баҳоланади. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, жамоатчилик назорати натижалари бўйича ҳам баённома, хулоса, маълумотнома ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда якуний ҳужжатлар тайёрланиши мумкин. Унда баён этилган ахборотлар, тавсиялар ва таклифлар давлат органлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади ва улар юзасидан қонуний қарор қабул қилинади.

Мақсад кимнидир жазолаш эмас...

Бугунги ислоҳотлар кўрсатиб беряптики, жамоат ташкилотлари, хусусан, маҳаллаларнинг иштирокисиз давлат органлари ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини самарали ҳамда тўлақонли амалга оширишлари қийин. Бундай шароитда жамоат ташкилотлари давлат билан халқ ўртасидаги воситачи сифатида ижтимоий мувозанатни юзага келтиришга хизмат қилади.

Жамоатчилик назоратининг мақсади кимнидир жазолаш эмас, балки қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, дастурларда одамлар манфаатлари, фикрларини ҳисобга олдириш, ижтимоий ва жамоатчилик аҳамиятига эга долзарб вазифалар ва функцияларни, давлат хизматларининг самарали кўрсатилишини таъминлаш ҳисобланади. Умуман, **жамоатчилик назорати ягона бир мақсадга — халқимизни рози қилиш ва унинг турмушини яхшилашга қаратилади.**

Мухтасар айтганда, Конституция ва қонунларга ҳурмат, ҳуқуқий онг ҳамда маданият ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳаёт ва фаолият тарзига айланмоғи керак. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислоҳотларга томошабин бўлмаслигимиз, уларнинг ичида бўлиб, дахлдорлик билан ишлашимиз, намуна кўрсатишимиз, камарбаста бўлишимиз, Ватанимиз тараққиёти йўлида янада жипсроқ бирлашишимиз лозим.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар муқаррар тус олди ва ҳеч ким, ҳеч қандай куч бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтара олмайди. Бу — бугунги ҳаёт, бугунги замон талаби. Бу — кўп миллатли, бағрикенг, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг хоҳиш-истаги”**. Шундай экан, мамлакатимизда узоқни кўзлаб амалга оширилаётган, юртдошларимизнинг манфаати, эзгу орзу-интилишларини ифода этадиган адолатли сиёсат янги, янада юксак босқичда давом этади.

Шавкат ЖАВЛОНОВ,
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқаруви раиси.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2019 йил 18 декабрь

ДАРДДАН УСТУН КЕЛГАН «МЕҲРИБОН ЮРАК»

НАВОИЙДА ТУҒМА ЮРАК НУҚСОНИ БОР 14 НАФАР БОЛА БЕПУЛ ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИНДИ.

БУ ОМАД Ё ТАСОДИФ ЭМАС

Инсон соғлом бўлмаса, кўнглига ҳеч нарса сиғмайди. Олам мунаввар-лигию тонглар бетакрорлиги файз-сиз. Киши дилидан ўтганини ўзи би-лади — атрофдагилар парвоналиги ҳам бир таскин, холос. Нуроталик Йўлдошевларнинг эгизакларидан бири, ўн икки яшар Зуҳрага илашган дард оилага оғир зарба бўлди. Фар-занд доғи ота-она қаддини дол қилди. Фотиманинг ҳам кўнглига бир умр-лик армон чўкди.

— Синглимдаги ревматизм асора-ти юрак етишмовчилигига олиб кел-ди, — дейди Фотима Йўлдошева. — Чет элда даволаш мумкин, дейишди. Осмон узоқ, ер қаттиқ. У пайтлар буни тасаввур этиш ҳам мумкин эмасди.

Нуротадаги юзлаб оилаларнинг беш-ўн йил илгариги армони бу. Ши-фокор кўп. Бироқ баъзи хасталиклар олдида улар ожиз эди.

Энди худди шундай хасталикка ту-ғилмаёқ чалинган яна бир қизнинг тақдиридан сўзлайлик. Унинг исми Муаттар. Эндигина ўн тўрт ёшга тўлди.

— Қизим юрак етишмовчилиги ка-саллиги билан туғилди, — дейди унинг онаси Ойша Раҳмонова. — Жарроҳлик операцияси Тошкентда ўтказилди. Мана, ўйнаб-кулиб юриб-ди. Мактабга боролмас эди. Ҳозир спорт билан ҳам шуғулланади.

Юртимизда юзлаб Муаттарларнинг шифо топиб, дард кўрмагандек бўлиб кетиши омад ёки тасодиф эмас. Бал-ки Президентимиз ташаббуси ва таласи билан соғлиқни сақлаш тизи-мида амалга оширилаётган ислоҳот-лар самарасидир.

МУРАККАБ МУАММОГА ОДДИЙ ЕЧИМ

Маълумотларга кўра, республика-мизда ҳар йили икки ярим минг на-фарга яқин болалар юракда турли нуқ-сонлар билан туғилади. Пойтахт кли-никаларида шуларнинг 600 нафари-ни операция қилиш имкони мавжуд. Қолганлари навбат кутишади... Бир-гина Навоий вилоятида эса 10 минг нафарга яқин юрак нуқсони дардига чалинган беморлар турли тиббиёт муассасаларида жарроҳлик амалиёти учун навбатга олинган. Шуларнинг 300 нафардан ортиғини болалар таш-кил этиб, уларнинг қарийб 200 на-фари ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларидир. Ҳар бир бола оиланинг бахти, қувончи, эртадан умиди эканлигини инобатга олсак, вазиятнинг нақадар жиддийлиги ойдинлашади.

Президентимиз бундай мураккаб муаммоларнинг оддий ечимини кўрсатиб берди. Мавжуд ўта оғриқли ҳолат ҳақида рўй-рост айтилди, халқ билан мулоқот орқали уни бартараф этиш чоралари изланди. Натижада бир жойда туриб қолган, муаммолар оғирлигидан тошдек қотган тизим аста-секин ҳаракатга келди.

Давлатимиз раҳбари томонидан соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан учрашувларда, ўтказилган ви-деоселектор йиғилишларида тизим фаолиятини тубдан такомиллашти-риш, одамларда ҳақли эътироз уйғо-таётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича берилган аниқ кўрсатмалар, шу йўналишда амалга оширилаётган дастурлар ижроси қатъий назоратга олинмоқда.

Қобул ТУРСУНОВ
Навоий вилояти ҳокими:

— Президентимиз ташаббуси асосида халқ билан мулоқот йўлга қўйилгач, фуқароларимиздан юрак хасталигидан азият чекаётган фарзандларини операция қилишда моддий ёрдам кўрсатиш бўйича мурожаатлар туша бошлади. Ҳар бир операция қанча маблағ талаб қилиши ва навбат кутаётганларнинг ҳисоб-китобини олиб, мазкур жарроҳлик операцияларини ўзимизда ўтказиш, керакли ускуна ва анжомларни харид қилишни белгиладик. Энг муҳими, маҳаллий ҳокимиятларга даромадларнинг режадан ортган қисмини ҳудудларда қолдириб, улардан фойдаланиш ҳуқуқининг берилиши бир қатор ижтимоий муаммолар ечимида ўз самарасини бермоқда. Хусусан, вилоятимиз кўп тармоқли тиббиёт марказига сунъий қон айлантириш аппаратининг харид қилингани мураккаб жарроҳлик операцияларини шу ернинг ўзида амалга ошириш имконини яратди.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ — КЕНГ ИМКОНИЯТ

Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Навоий вилоятида амалга оширилган ушбу эзгу ишни Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали республика бюджетидан амалга оши-риш қатор босқичлардан ўтганлиги боис, нисбатан узоқ вақтни талаб қиларди. Яъни, аввало, ишнинг ло-йиҳасини тайёрлаш, уни турли идора-лар муҳокамасидан ўтказиш, йил дастурига киритиб, маблағ ажратиш зарур бўларди.

Юқорида қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари ташаббуси би-лан маҳаллий бюджет даромадининг режадан ортган қисми ҳудудларда қолдирилиб, улардан фойдаланиш ҳуқуқининг берилиши бу каби лойи-ҳаларни тезликда ҳаётга татбиқ этиш имконини яратди. Шу билан бирга, пойтахт клиникаларидан малакали, мураккаб операцияларни амалга оши-риш салоҳиятига эга шифокор-ларнинг ҳудудларга юборилиши на-мунали тиббий хизматни аҳолига яна-да яқинлаштирди.

Навоий вилояти кўп тармоқли тиб-биёт маркази учун харид қилинган АИК сунъий қон айлантириш аппа-рати Италиянинг “Сорин” фирмаси то-монидан ишлаб чиқарилган бўлиб, ундан дунёдаги етакчи тиббиёт му-ассасаларининг шифокорлари юрак жарроҳлигида кенг фойдаланишади. Бугунги кунда ушбу ноёб ускуна на-фақат пойтахтимиздаги клиникалар-да, балки вилоятларимиздаги кўплаб тиббиёт масканларида беморлар соғлиғини тиклашда асқатмоқда.

МЕГА-АКЦИЯ

Юрак етишмовчилигидан фориғ бўлиш фақат жарроҳлик операцияси билангина чекланмайди. Мазкур опера-ция мутлақо бепул бўлгани билан беморни унга тайёрлаш ва кейинги муолажа жараёнлари ҳам анча-мун-ча маблағ талаб этади.

Шу боис Ўзбекистон ёшлар итти-фоқи Навоий вилояти кенгашининг “Меҳрибон юрак” мега-акцияси ви-лоят ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди.

Акция доирасида вилоятда ихтиё-рий донорлик, яъни беғараз қон топ-шириш, бемор болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва операцияга тай-ёрлаш ҳамда бошқа бир қатор тад-бирлар ташкил қилинди.

— Мазкур акциямиз кенг жамоат-чиликни бефарқ қолдирмади, — дей-ди иттифоқнинг Навоий вилояти кен-гаши раҳбари Жамшид Ходжаев. — Унда йирик тадбиркорлик субъектла-ри билан бир қаторда Япония, Хитой, Россия каби давлатларда таълим олаётган ёшларимиз, меҳнат қилаётган ватандошларимиз ҳам иштирок этди. “Меҳрибон юрак” акцияси эзгулик, меҳр-оқибат каби халқимизнинг азалий қадриятлари бугун ҳам бардавом эканини яна бир бор исботлади.

ИЛК ОПЕРАЦИЯ

2019 йилнинг 15 ноябри ҳаяжонларга тўла кун сифатида вилоят ҳаётидан жой олиши шубҳасиз. Шу куни вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида илк бор 7 ёшли Феруза Йўлдошеванинг юрагида мураккаб жарроҳлик опера-цияси амалга оширилди.

— Операция натижасини деярли бутун вилоят кузатди, — дейди Ферузанинг онаси. — “Ўзига келди-ми, нима олиб борайлик?”, деб ҳатто бегоналар ҳам телефон қилишди. Эртасига турли ҳудудлардан кўплаб юртдошларимиз келиб, ҳол сўраб кетди. Оғир дамларда бизни қўллаб-қувватлаб турган вилоят ҳокимлиги, шифокорлар, ҳамширалар, мен кўрган-кўрмаган барча инсонларга минг раҳмат айтаман!

Таъкидлаш жоизки, вилоятдаги ушбу илк жарроҳлик амалиёти кам таъминланганлар ва уларнинг фарзандлари учун тўлиқ бепул ўтказилди. Дастлаб жорий йил учун 8 та жарроҳлик амалиёти режалаштирилган эди, аммо халқимизнинг, саховатли инсонларнинг кўмаги билан 14 нафар боланинг операцияси муваффақиятли амалга оширилди.

— Биринчи галда зудлик билан операция қилиш зарур бўлган болалар аниқланди, — дейди марказ бош шифокори Мурод Аҳмедов. — Чунки мазкур хасталикларда ҳар бир лаҳза ғанимат.

Ана шундай эзгу ташаббус натижасида дарддан озор чеккан юзларга яна табассум югурди. Шу вақтга қадар фақат оғриқ ҳис қилган юраклар қувончга тўлди, эртанги ёруғ кунларга ишончи ортди.

— Фарзандим туғма юрак нуқсонидан азият чекарди, — дейди нуроталик Амриддиннинг онаси Мунаввар Эрамбоева. — Бироқ оилавий шароитимиз операция қилишга имкон бермас эди. Дори-дармон билан бир иложини қилиб, жон ҳовучлаб яшар эдик. Мана, операция муваффақиятли ўтди. Ўғлим яна бир ой шифокорлар назоратида туриб, кейин беморлар рўйхатидан чиқарилар экан. “Меҳрибон юрак”лардан миннатдорман!

ФОЖИАГА УЧ ДАҚИҚА ҚОЛГАНДА...

Операциялар жараёнида кутилмаган фавқулодда ҳолат кўпчиликни эсанкиратиб қўйди. Гап шундаки, жарроҳлик столига ўнинчи бола ётқизилиб, жараён бошлангач, бутун шаҳарда электр энергияси ўчди.

Навоий шаҳрида электр таъминотида узилишлар камдан-кам кузатиладиган ҳол. Мабодо, узилса ҳам, ўн — ўн беш дақиқа ичида қайта уланиб, бунга кўпчилик аҳамият ҳам бермайдиган бўлиб қолишган.

Республикамизда ҳар йили ***2,5 минг*** *нафарга яқин болалар юракда турли нуқсонлар билан туғилади. Пойтахт клиникаларида шуларнинг* ***600*** *нафарини операция қилиш имкони мавжуд. Қолганлари навбат кутишади... Биргина Навоий вилоятида эса* ***10 минг*** *нафарга яқин юрак нуқсони дардига чалинган беморлар турли тиббиёт муассасаларида жарроҳлик амалиёти учун навбатга олинган. Шуларнинг* ***300*** *нафардан ортиғини болалар ташкил этиб, уларнинг қарийб* ***200*** *нафари ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларидир. Ҳар бир бола оиланинг бахти, қувончи, эртадан умиди эканлигини инобатга олсак, вазиятнинг нақадар жиддийлиги ойдинлашади.*

— Аввалига биз ҳам бунга унчалик аҳамият қаратмадик, — дейди кардиожарроҳ М. Аҳмедов. — Яна тезда уланишига умид қилиб, захи-радаги электр энергиясидан фойда-ланган ҳолда операцияни давом эттирдик. Аслида ҳам бундан бошқа чорамиз йўқ эди. Жараённи тўхтатиш асло мумкин эмасди. Бу ўлимга олиб келарди. Аппарат аккумуляторида қувват захираси эса тобора камайиб борарди.

Ўша куни “Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖ 1-буғ-газ қурилмаси-нинг совитиш тизимидаги технол-огик носозлик туфайли Ўзбекистон Республикаси электр энергияси узатиш тизимида кунлик ўртача меъ-ёрнинг қарийб 4-5 фоизга (460 МВт қувват) тушиш ҳолати кузатилган. Бу мамлакатимизнинг айрим ҳудудлари-да электр таъминотида вақтинчалик чекловлар пайдо қилган эди.

— Қизим туғма юрак хасталиги, шунингдек, битта буйрак билан ту-ғилганди, — дейди ўша вақтда операция столида бўлган Исмигул Бекмуродованинг отаси Ҳайит Бекмуродов. — Операция яхши ўти-шини аёлим, катта қизим билан ку-таётгандик. Кейин шифокорларнинг саросимаси шубҳага солди. Унгача чироқ ўчганлигига ҳам эътибор қил-маган эканмиз. “Йигирма беш йил кутилган операция, наҳот... эҳ, қизим бунча омадсиз бўлмасанг”, дейман ўзимга ўзим. Шифохона мутасаддила-ринининг телефон қилиб, чиқмаган идораси қолмади. Аппаратда уч да-қиқалик қувват қолганида ниҳоят электр энергияси берилди. Худога минг шукр айтдик.

Вилоят ҳокими ушбу фавқулодда ҳолат ҳақида хабар топгач, кўп тар-моқли тиббиёт марказини юқори қув-ватли электрогенератор билан таъ-минлашга қарор қилган.

ЭНГ ЮКСАК МУКОФОТ

Яқинда “Меҳрибон юрак” акцияси фаоллари ҳамда операция қилиниб, соғлом ҳаётга қайтганларнинг бир гу-руҳи Ёшлар иттифоқи вилоят кенга-шида тақдирланди. Исмигул Бекмуродова 25 йил хаста юрак билан яшаб, кўрсатган матонати учун “Энг иродали аёл” номинацияси билан мукофотланди.

— Аслида мен учун энг катта му-кофот — совғани саховатли юрт-дошларимиз беришди, — дейди И. Бекмуродова. — Кун сайин ўзим-ни бардам ҳис этяпман. Бир нарса-ни кўп ўйлайман. Мен меҳр-саховат-ли одамлар олдидаги қарзимни, албатта, узишим керак.

Мазкур жарроҳлик операцияларини муваффақиятли ўтказган кардио-жарроҳ Мурод Аҳмедов эса ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларини беғараз операция қилиб, соғайиб кетишига катта ҳисса қўшгани учун Ёшлар иттифоқи Мар-казий Кенгаши томонидан ташкил этилган “Таҳсин” мукофоти соврини билан тақдирланди.

14 нафар ўғил-қиз бугун мамла-катимизда инсон қадр топиб, ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш давлат сиёсати даражасига кўтарил-ган бир даврда яшамоқда. Зотан, бахтимиз қомуси — Конституциямиз-да яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи сифатида белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, бу ўғил-қизлар-нинг бугунги саодати Президентимиз томонидан олиб борилаётган инсон-парварлик сиёсати одамлар онгу қалби, дунёқарашини ўзгартираётга-нини ҳам ифодалайди. Зеро, энг иль-ғор тиббий технология ва тажрибали мутахассислар долзарб ижтимоий му-аммоларни самарали ҳал этмаслиги мумкин, лекин жамият ўзгалар дарду ташвишига хайрихоҳ, кишилар оғири-ни енгил қилиш хусусида қайғурса, энг оғир дардларга ҳам шифо топи-лади. Буни биз юқорида ҳикоя қил-ган воқеа ҳам кўрсатиб турибди.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 46 745 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.30 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6